Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2012-yil, 25-fevral. Shanba ● 24 (31.456) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Ижтимоий ҳимоя

## ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

**Жамиятимиздаги мурувват ва бағрикенглик муҳити, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат самарасида ҳар бир бола меҳр ва эътибордан баҳраманд бўлмоқда.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, фармон ва қарорлар юртимиз ёшларининг жисмоний ва маънавий камолотида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, тиббий-психологик, маънавий кўмак бериш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига яқиндан ёрдамлашиш масалалари — доимий эътиборда. Айниқса, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

«Sen Yolg`iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган турли ижтимоий лойиҳалар, хайрия акциялари, маърифий анжуманлар ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, билим олиши, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллашида кенг имкониятлар яратмоқда.

Пойтахтимизда васийлик асосида тарбияланган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун кўмаклашишда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш масаласига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шулар ҳақида гап борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъул ходимлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок эди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув материаллари, компьютер техникаси ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш, ушбу маскanлардаги маърифий-тарбиявий ишларни давр талаби асосида йўлга қўйиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ёшларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, уларни турли тўгараклар, спорт секцияларига жалб этиш, истеъдоди ва қобилиятини аниқлаш, юзага чиқариш, касб-ҳунарга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, «Sen Yolg`iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармасининг ўқув марказида математика, физика, кимё, биология, информатика, тасвирий санъат, хореография тўгараклари, театр студияси фаолият кўрсатаётир. Бу ерда Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари мактабда олган билимини янада бойитиш, мустаҳкамлаш имкониятига эга. Бу уларнинг касб танлашига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги қарорига биноан «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси ташкил қилингани соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, айниқса, ота-онасидан эрта ажралган болалар учун бошқалардан кам бўлмаган турмуш шароитини яратишга хизмат қилмоқда.

— Болаларга нафақат таълим-тарбия бериш, балки келгуси ҳаётида ўз ўрнини топишига ҳар томонлама кўмаклашиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди ЮНИСЕФнинг масъул ходими Кристина Гейл. — Бу масалага Ўзбекистонда алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг нафақат Меҳрибонлик уйларида, балки ўзаро меҳр-оқибат муҳитига асосланган «SOS — болалар маҳаллалари»да тарбияланаётгани эътиборга молик. Бу борада Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатлар учун намуна бўла олади.

Давра суҳбатида васийлик асосида тарбияланиб вояга етган ёшларда ҳаётий кўникмаларни шакллантириш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар таҳлил этилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч



## ҚУЙИ БЎҒИН МУСТАҲКАМ БЎЛСА

### партиянинг жамиятдаги таъсир кучи ошади

**Сиёсий партиялар ўз олдига қўйган вазифаларни қай даражада амалга ошириши кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ. Негаки, улар партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириб, электорат манфаатини ҳимоя қилишда асосий таянч ҳисобланади. Бошланғич ташкилот қанча фаол бўлса, партиянинг иши шунча самарали бўлади. Шундан келиб чиқиб, Учтепа туман партия кенгаши қуйи бўғин фаолиятини ташкил этишга жиддий ёндашмоқда. Айни чоғда, бу ерда ЎзХДПнинг 89 та бошланғич ташкилоти, 2695 нафар аъзоси бор.**

Партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда, айниқса, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг махсус автотранспорт корхонасидаги ташкилот ибратли ишлар қилмоқда. Ўтган йили қуйи бўғин ташаббуси билан 20 дан ортиқ семинар ва давра суҳбати ўтказилди.

— Корхона тиббиёт муассасалари ва тез тиббий ёрдам марказларини транспорт воситалари билан таъминлайди, — дейди бош муҳандис, бошланғич ташкилот етакчиси Абдуҳаким Салимсоқов. — Ходимларнинг 60 га яқини партиямиз аъзоси. Туман партия кенгаши билан ҳамкорликда махсус режа ишлаб чиққанмиз. Партия фаоллари мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган муҳим ўзгариш ва янгиликлар ҳақида аъзоларга атрофлича тушунча беришади.

Мисол учун, яқинда «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» мавзусида тадбир ўтказдик. Унда малакали мутахассис ва шифокорлар маъруза қилди. Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оила муқаддас эканини фарзандлар онгига сингдириш ҳақида фикр алмашилди. Шунингдек, туман партия кенгаши билан ҳамкорликда ходимларимизнинг ижтимоий ҳимояси бўйича ҳам муайян чора-тадбирларни белгилаб олганмиз.

Бошланғич ташкилотлар электоратга энг яқин, унинг қувончу ташвишидан хабардор бўғин ҳисобланади. Ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилиб, ишни тўғри ташкил этган партия ташкилоти жамиятда ўз ўрнини топади.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Муродбек Зиё олган сурат.**

## Оила ҳақидаги ҳикматлар

*Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учун айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради.*

**Ислом КАРИМОВ**

Эътироф

**Дўстимдан Ўзбекистон ҳақида олам-олам таассуротлар ва қизиқарли воқеаларни эшитиб, тўғриси, ҳаловатим йўқолди. Ўзбекистонга сафар қилишга жазм этдим. Юртингизни ўз кўзим билан кўриб, бу ердаги очиққўнгил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбимда халқингизга катта меҳр уйғонди. Кўрганларим олдида дўстимдан эшитганларим ҳеч нима бўлмай қолди. Ўзбек халқининг муомала маданияти, моҳир ҳунармандлар нозик дид билан ишлаган бетакрор буюмлар, уста пазандалар тайёрлаган миллий таомлар бир умр ёдимда қолади.**

**Мамлакатингизда бошқа соҳалар қатори сайёҳликни ҳам ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдим. Буни сайёҳлар, хорижлик меҳмонлар учун яратилган шарт-шароитлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Самарқанд шаҳрига «Афросиёб» тезюрар поездида бориб келдим. Йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган ушбу поезд Испаниядан келтирилганини эшитиб янада қувондим.**

**Юртингизда ўтаётган ҳар бир куним унутилмас таассуротларга бой бўлмоқда. Бой маданият ва санъатга эга Ўзбекистоннинг мафтункор шаҳарлари билан танишувим ҳаётимда ёрқин саҳифа бўлиб қолади.**

**Франсиско МУНОЗ,**
**(Испания).**

Болалар спорти

## БАДИИЙ ГИМНАСТИКА — САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК ОМИЛИ




**Аёл зоти ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди, суюкли ёр ва меҳрибон она бўлишни истайди. Бунинг асосий омили эса соғликдир. Соғлом аёлнинг юзи тиниқ, қадди-қомати келишган, руҳи тетик бўлади. Оила мустаҳкамлиги, фарзандлар баркамоллиги, турмушдаги меҳр-муҳаббатда ҳам бу муҳим ўрин тутади.**

Хотин-қизлар учун бахту саодат мезони бўлган ушбу жиҳатларга эришишда спортнинг ўрни беқиёс. Айниқса, бадиий гимнастика билан шуғулланиш уларнинг гўзал ва соғлом бўлишига ёрдам беради, юриши ва ҳаракатларига назокат бағишлайди. Бадиий гимнастиканинг мусиқа билан ҳамоҳанглиги инсоннинг маънавий дунёсини бойитади, дидини тарбиялайди.

Энг муҳими, спорт билан шуғулланган қиз соғлом бўлади, келгусида соғлом болаларни дунёга келтиради. Уларни ҳам спортга жалб қилади, соғлом ва баркамол этиб вояга етказади. Бу бутун жамиятда соғлом турмуш тарзининг қарор топишига, миллат генофондининг яхшиланишига хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йил 10 февраль куни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб, қизларимизнинг соғлом бўлиб улғайиши эртанги кунимизнинг, дунёга келадиган баркамол авлоднинг муҳим омили эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда спортни оммалаштириш, хусусан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришда, аввало, ана шу мезондан келиб чиқиб иш тутилмоқда. Қизларни спортга жалб этиш борасида алоҳида эътибор ва ёндашув шаклланди, зарур шарт-шароит яратилди. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, олий таълим муассасаларида аёл ўқитувчи ва мураббияларни тайёрлашга кенг ўрин берилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелда қабул қилинган «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юқори малакали, профессионал аёл устоз кадрларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётир. Ушбу амалий саъй-ҳаракатлар натижасида аёл спорт устозлари ўтган йилнинг ўзида 1,6 баробардан кўпроқ ошди.

Тошкент вилоятининг чекка ҳудудларидан бири — Бўстонлиқ туманида яшовчи Наргиза Ҳалимбоева ана шундай мураббийлардан. У Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тугатган.

*(Давоми 4-бетда.)*

Глобал экологик муаммо

## НОРИН КАСКАДИ — ТАБИАТГА СУИҚАСД

**Ушбу қайдлар муаллифи — бутун умрини Марказий Осиё табиатини ўрганишга бағишлаган географдир. Менинг ишларим ва собиқ иттифоқнинг турли республикаларидаги ҳамкасбларим меҳнатининг асосий натижаси — минтақамиз тоғлари, тоғ бағирлари ва текисликлари алоҳида мавжуд бўлмай, ягона ер организмини, бир бутун геотизимни ташкил этишини англашдан иборат бўлган.**

Ҳар қандай организмдаги каби, геотизимда ҳам, унинг барча қисмларини бирлаштирувчи моддалар оқими, ўзига хос ландшафт қони мавжуд бўлиб, бу сувдир. Дарё оқими туфайли сув ҳавза геотизими ишлайди ва ривожланади, у ташқи таъсирлар натижасида — иқлим ўзгаришига ва инсоният аралашувига реакция беради.

Фан бунда қандайдир мутлақо янги бўлган масалани очаётгани йўқ: бизнинг деҳқонларимиз Марказий Осиёдаги дарёларнинг юқори қисми ва қуйидаги водийларнинг узвий боғлиқ эканлигини аллақачон ҳис этишган.

Табиат тақозоси билан шундай бўлганки, Сирдарё ҳавзасидаги 37,9 куб километр ўртача йиллик оқимнинг 28,0 куб километри ёки деярли 74 фоизи Қирғизистонда ҳосил бўлади, айни пайтда Ўзбекистон ҳиссасига атиги 5,6 куб километр ёки 15 фоиздан камроғи тўғри келади.

*(Давоми 3-бетда.)*

Парламентда

## МАБЛАҒ МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛИШИ ЗАРУР

**Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фонд маблағини холис ва оқилона йўналтириш, унинг мақсадли сарфланишига эришиш, бу борада изчил мониторинг ўтказишга доир масала муҳокама қилинди.**

Йиғилиш муҳокамаси шуни кўрсатдики, лойиҳаларнинг мувофиқлигини баҳолаш, ажратилган маблағ оқилона сарфланиши бўйича тизимли назорат ўрнатиш, шу мақсадда аниқ ва қатъий чора-тадбирлар белгилаш зарур. Бунда, хусусан, фақат истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, маблағнинг қонунга мувофиқ сарфланишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тегишли меъёрий ҳужжатларини такомиллаштиришига зарурат мавжуд.

Мониторинг давомида маблағларни мақсадсиз ишлатиш ҳолатлари аниқланган. Натижада ижтимоий аҳамияти муҳим бўлган айрим лойиҳалар охиригача амалга ошмай қолган. 2008-2011 йиллар давомида давлат грантини қўлга киритган 30 га яқин лойиҳа муаллифлари якуний таҳлил ва молиявий ҳисоботни белгиланган муддатдан кечикиб берган, 19 таси ҳозиргача тақдим этмаган.

Парламент комиссияси камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Мониторингда 30 миллион сўмдан ортиқ маблағ мақсадсиз ишлатилгани ойдинлашди, йиғилишда уни қонунга мувофиқ тартибда қайтариш чоралари белгиланди.

Йиғилиш иштирокчилари йўл қўйилган камчиликлар юзасидан танқидий фикрлар билдиришди. Уларни бартараф этиш бўйича ўз мулоҳазаларини айтишди. Парламент комиссияси кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

# ЎҚУВЛАР САМАРАСИ

## *партия аъзолари фаоллигида кўринади*

**ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши партия ғояларини тарғиб қилиш ва ижтимоий-иқтисодий жараёндан электорат вакилларини хабардор этиб бориш мақсадида мунтазам сиёсий ўқувлар ўтказиб келмоқда.**

Вилоятнинг шаҳар ва туман партия ташкилотларида электорат билан ишлашнинг янги усул ва шаклларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жойларда давра суҳбатлари, учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Тадбирларнинг асосий қисми интерфаол усулда ўтказилади. Вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари уюштираётган сиёсий-ҳуқуқий кўрик-танловлар, спорт мусобақалари аҳоли, айниқса, ёшларнинг партия фаолиятига бўлган қизиқишини оширмоқда.

**«Мен нега ЎзХДПни танладим?», «Сиёсий партиялар ва ёшлар» мавзуларида ўтказилаётган кўрик-танловлар, «Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ўрни», «Электорат манфаати ҳамиша эътиборда», «Аҳоли мурожаатлари: муаммо ва ечимлар», «Етакчи лидерларни шакллантириш кадрлар захирасини мустаҳкамлайди» каби масалаларни ўз ичига олган давра суҳбатлари, семинар-тренинглар партиянинг аҳоли орасига янада чуқур кириб боришида муҳим аҳамият касб этаяпти.**

— Тадбирларга партия сайланма органлари аъзолари, депутатлар, тарғиботчилар, олимлар, шифокорлар, маданият ва спорт ходимлари, журналистлар, партиянинг «Фаол аёллар» ҳамда «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаоллари кенг жалб қилинади, — дейди **вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Ҳасанбой Ҳайдаров.** — Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказилаётган ўқув машғулотлари дебат, баҳс-мунозара шаклида ташкиллаштирилиши, уларда замонавий технологияларнинг кенг қўлланилиши партия аъзолари ва электорат вакилларининг машғулотларга қизиқиши ортишига туртки бўлаяпти.

Ўтган йили вилоят Ахборот-ресурс маркази (АРМ) семинар-тренинглар учун 40 дан ортиқ услубий қўлланма ва тавсиялар тайёрлади. Марказда тарғиботчилар бурчаги ташкил қилинган бўлиб, тегишли адабиётлар, газета-журнал ва қўлланмалар билан таъминланган. Мазкур қўлланмалар туман ва шаҳар партия кенгашларидаги АРМларга ҳам етказилади.

Вилоят партия кенгаши 2011 йили 10 дан ортиқ сиёсий семинар ўтказди. Уларда 750 нафардан ортиқ партия фаоли ва электорат вакиллари қатнашди. Туман ва шаҳар партия кенгашларида ўтказилган сиёсий ўқувларда ҳам аъзоларнинг фаол иштироки кузатилди.

Партия кенгашларида тарғибот гуруҳи аъзоларини ўқитиш ишлари изчил олиб борилди. Машғулотларда етакчилар олдидаги вазифалар, уларнинг партия ғояларини тарғиб этишдаги иштироки, аҳоли орасига янада чуқур кириб бориш воситалари ҳақида тушунча ва маълумотлар бериб борилади.

Ўтказилаётган сиёсий семинарларда Президентимиз маърузалари мазмун-моҳиятини тушунтириш, депутатлик назорати ва ҳуқуқини қўллаш амалиётини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, кадрлар тизими сифатини яхшилаш, электорат манфаатини ҳимоя қилишда партия фаоллари ва депутатлар фаоллигини ошириш каби қатор масалалар муҳокама этилмоқда.

— Электоратнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ортиши кўп жиҳатдан семинар-тренинглар савиясига боғлиқ, — дейди **Қўрғонтепа туман партия кенгаши раиси Зулхумор Каримова.** — Шуни инобатга олиб, сиёсий ўқувларга туман Кенгаши депутатлик гуруҳи аъзолари имкониятларидан кенг фойдаланаяпмиз. Муножот Мирзаабдуллаева, Шавкатбек Билолов, вилоят Кенгаши депутати Шодилбек Мамажалилов каби депутатлар сиёсий ўқувларда мунтазам иштирок этади. Улар Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳияти, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, қарор ва қонунлар моҳиятини электорат вакилларига тушунтириб боришмоқда.

Сиёсий ўқувларни кўпроқ бошланғич партия ташкилотларининг ўзида ўтказамиз. Марказий Кенгаш, вилоят партия кенгашларида муҳокама қилинадиган масалалардан ҳар бир қуйи бўғин хабардор бўлишини таъминлашга ҳаракат қиламиз. Туман тиббиёт бирлашмаси, туман санитария-эпидемиология станцияси ҳамда Дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти қошидаги бошланғич ташкилотларнинг сиёсий ўқувлар борасидаги тажрибасини бошқа бўғинларга ўрнак қилиб кўрсатса бўлади. Тадбирларда нафақат партия аъзолари, балки аҳолининг партияга хайрихоҳ вакиллари ҳам фаол қатнашади. Натижада кишилар орасида партия ишига қизиқиш ортаяпти. Бугун туманда ЎзХДП сафига 1218 нафар аъзо бирлашгани, партия обрў-эътибори кундан-кун ортиб бораётгани маълум маънода сиёсий ўқувлар самараси, десам, янглишмаган бўламан.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП депутатлик гуруҳларида

# РЎЗҒОР БУТ БЎЛСА...

## оила мустаҳкам бўлади, фаровонлик ошади

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2012 йил — Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан ЎзХДП маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг ишларини самарали ташкил этиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.**



Йиғилиш доирасида ташкил этилган давра суҳбатида иштирокчиларнинг мавзуга доир фикр-мулоҳазалари эшитилди. Суҳбатда ЎзХДП Марказий Кенгаши, вилоят кенгаши аъзолари, маҳаллий кенгашларнинг депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, шунингдек, партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Мажидхон Усмонов, Искандар Азизов иштирок этди.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси, ЎзХДП вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган улкан ишлардан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистоннинг қонун устуворлиги, таъсирчан ҳокимият ва очиқ фуқаролик жамияти асосларига таянувчи ривожланган демократик давлатлар сафига киришини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда **2012 йилни Мустаҳкам оила йили** деб эълон қилиш замирида катта мақсад мужассам. Чунки фуқаролик жамиятининг негизини оила ташкил этади. Табиий ҳол, оила қанчалик мустаҳкам бўлса, мамлакат мустаҳкам бўлади. Марказий Кенгаш партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиқиши мустақил давлатимиз тараққиётида ЎзХДПнинг дахлдорлик ҳисси янада ортганидан далолат. Дастурда белгиланган режаларни бажаришда барчамиз бирдек иштирок этишимиз, партия электорати онгу шуурига Мустаҳкам оила йилининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ сингдиришимиз керак. Бунда албатта, маҳаллий Кенгаш депутатларининг ташаббускорлиги зарур.

Шунингдек, «Мустаҳкам оила йили» дастурини аҳолининг қуйи қатламига етказиш масаласида матбуот, оммавий ахборот воситалари хизматидан кенгроқ фойдаланиш керак. Жумладан, вилоят «Зарафшон» ва «Самаркандский вестник» газеталарида **«Депутат минбари»ни** ташкил этганмиз. Унда депутатларимиз ўз сайловчилари олдида ҳисобот бериб туришлари ташкиллаштирилган. Лекин очиғини айтиш керакки, бу ташаббус ҳали биз кутган натижани бермаяпти. Партиямиздан сайланган депутатлар янада фаол бўлиши, замондан орқада қолмасликлари зарур. Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раҳбарларидан дадил ишлашни талаб қилмоқда.

**Камолбой ИСОБЕКОВ,**
**ЎзХДП вилоят кенгаши раиси:**

**— Мустаҳкам оила йили муносабати билан вилоят партия Кенгашининг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларда зиммамиздаги вазифалар аниқ белгилаб берилган. Уларнинг бажарилишида партия ўз электоратининг ижтимоий, иқтисодий эҳтиёжлари ва бошка манфаатларини яхши билишини амалда исботлаб бериши талаб этилади.**

Биз ҳар бир ҳудудда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни билишимиз ва уларга қандай ёрдам кўрсатиш мумкинлигини аниқ белгилаб олишимиз лозим. Бунинг учун партия етакчилари ҳам, депутатлар ҳам маҳаллаларда кўпроқ бўлиши, одамлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиши мақсадга мувофиқ.

**Зайнаб БЕРДИЕВА,**
**Халқ депутатлари Каттақўрғон туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Туман партия кенгаши маҳалла билан ҳамкорликка алоҳида эътибор беради. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари билан биргаликда «Кавола», «Қирғиз» маҳаллаларидаги давра суҳбатларимиз мазмунли ўтди. Тадбирлар шуни кўрсатдики, партиямиз электоратининг барча вакиллари ҳам қонунчилик соҳасидаги ислоҳотлардан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида давлат томонидан амалга оширилаётган ишлардан чуқур хабардор эмас. Демак,ҳуқуқий-сиёсий тадбирларимизда камчиликлар бор. Бундан тегишли хулоса чиқариб олишимиз керак.

**Эрдош АҲАДОВ,**
**Халқ депутатлари Пайариқ туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Бу масалада биз бироз бошқача йўл тутганмиз. Туман газетасида «**Сиртқи ўқув»** ташкиллаштирдик. Мазкур рукн орқали мустаҳкам оилани шакллантиришнинг асосий бўғинлари ҳақида кенг қамровли тушунча ва маълумотлар бериб бораяпмиз. Бу тез орада ўз самарасини кўрсата бошлади. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ёш келин-куёвлар туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳига тез-тез мурожаат килиб турришибди.

Бир мисолни айтиб ўтсам. Тумандаги қишлоқлардан бирида тўртта хонадонда оилалар ажралиши масаласи билан шуғулланишга тўғри келди. Партия фаоллари, депутатлар, туман ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари ҳамкорлигида масала жойида ўрганилганда уларнинг аксариятида ажралиш учун жиддий сабаб йўқлиги маълум бўлди. Ҳар икки томонга оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини тушунтирганимиздан сўнг ёш оилалар сақлаб қолинди. Оиланинг мустаҳкамлиги иқтисодий ҳолатига ҳам боғлиқлиги сир эмас. Баъзан оиладаги айрим етишмовчиликлар ҳам оиланинг дарз кетишига сабаб бўлади. Ваҳоланки, ўша оила аъзолари меҳнат қилиб, ўз турмушини фаровон этишга имконият етарли. Масалан, туманимизнинг кўпгина қишлоқларидаги аҳоли томорқалари бўш ётади. Айримлар ундан самарали фойдаланишни билмайди. Агар қунт билан меҳнат қилинса, 5-6 сотих ердан анча даромад олиш мумкин. Биз депутатларимиз кўмагида айрим қишлоқларда учрашувлар ўтказиб, одамларга фойдали экинлар экишни маслаҳат бердик. Ахир, рўзғор бут бўлса, оила мустаҳкам бўлади-да.

**Эшпулат ТЎЙЧИЕВ,**
**ЎзХДП Жомбой тумани Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Гапнинг лўндасини айтганда, қишлоқда ишлайман деганга иш кўп, имконият бор. Фақатгина озгина ҳаракат бўлса, кифоя. Яқинда тумандаги Газира қишлоғига теварак-атрофдаги ёшларни йиғиб, суҳбатлашдик. Иштирокчиларнинг кўпчилиги янги оила қурганлар. Оилавий даромад ҳақида сўраганимизда улар орасида ота-онасининг ёрдамига кўз тикиб ўтирганлари оз эмаслиги маълум бўлди. Шунда депутатлар билан гапни бир жойга қўйиб, ҳар бир қишлоқнинг шароити, тупроқ унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга келишиб олдик.

Туманимизда «Бахт» гўшт маҳсулотларини қайта ишловчи корхона ишлаб турибди. Демак, чорвачиликни ривожлантирсак, гўштни оладиган харидор ҳам тайин. Кейин, паррандачиликни йўлга қўймоқчимиз. Уйда товуқ бўлса, пархез гўшти дейсизми, тухум дейсизми, ўзингиздан чиққанига нима етсин, ахир. Кимки, иш билан банд бўлса, даромад кўради,оилада ортиқча гап-сўз, келишмовчиликлар ҳам бўлмайди.

**Адиба АТОҚУЛОВА,**
**ЎзХДП «Итиқбол», «Ёшлар қаноти» вилоят бўлими етакчиси:**

— Бугунги давра суҳбати менга кўп масалаларни ойдинлаштиришда катта ёрдам берди. Очиғини айтиш керак, ҳали кўпгина масалалар бизга қоронғи экан. Тан олиш лозим, ёш оилалар ўртасидаги келишмовчиликлар, ажралишлар ҳали ҳам содир бўлаяпти. Бу масалада мен бирор-бир томонни ёнини олмоқчи эмасман. Айрим ҳолатларда ёш келин-куёвлар тўй ўтгач, характери тўғри келмаганлигини баҳона қилишади. Ахир, халқимизда никоҳ ва оила муқаддас ҳисобланади. Назаримда, қизларни эрта турмушга узатиш, ўғил болаларни эрта уйлантириш шундай салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Таклифим мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим масканларида фарзандларимиз онгига мустаҳкам оила ғоясини сингдиришимиз керак. Партиянинг ёшлар қаноти қошида тарғиботчилар гуруҳи ташкил этдик.

* * *

Давра суҳбатида Мустаҳкам оила йили муносабати билан партия кенгашлари ва депутатлар ҳамкорлигида амалга ошириладиган дастур ишлаб чиқилиб, уни ҳаётга татбиқ этиш йўллари келишиб олинди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# МУҚАДДАС ВА ДАХЛСИЗ ҚЎРҒОН

## тинчлиги, тақдири учун ҳаммамиз масъулмиз

**Ҳар қайси одам ўзига хос, бетакрор бўлгани каби оилаларнинг ҳам бир-бирига ўхшамаган томонлари кўп. Зеро, оила ўзига хос, муқаддас ва дахлсиз қўрғон.**

Тўғри, теварак-атрофга разм солсак, аҳил-тотув, намунали, мустаҳкам оилалар кўплигини кўрамиз ва бундан қувонамиз. Шу билан бирга, ҳали-ҳануз нотинч ва носоғлом оилалар ҳам учраб турадики, бу кишини ташвишга солади. Ёш оила мустаҳкам бўлиши, ёшлар бахтли яшаши асосан нималарга боғлиқ?

**Шаҳзода Муллабоева —**
**Дўстлик туман ФХДЁ бўлим мудири:**

— Одатда, оила никоҳдан бошланади. Бунда қонуний никоҳдан ўтиш ва домла-имом томонидан никоҳ хутбасини ўқитиш тушунилади.

Ҳаёт мураккаб, турмуш эса тасодифларга тўла. Шундай экан, никоҳни албатта қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйиш керак. Чунки шаърий никоҳ ҳуқуқий мақомга эга эмас. Мабодо турмуш бузилса, ёш она қўлида боласи билан қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Қонуний никоҳ ўртадаги мол-мулк, уй-жой, бола тарбияси билан боғлиқ муаммолар қонун доирасида ҳал этилишига асос беради. Афсуски, турли хил баҳонаю сабабларга кўра, фақат шаърий никоҳ билан кифояланиб, оила қураётган ёшлар ҳам учрайди. Бундай ҳолда ота хорижга ишга кетса ёки оила бузилса, болага оталикни белгилаш, ўртадаги мол-мулкни мусодара қилишда қийинчилик ва келишмовчиликлар туғилади. Бундай муаммолар келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири оила қураётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам турмуш синовларига руҳан тайёр эмаслигида. Улар, хусусан, оиланинг муқаддаслиги, ўз зиммасига юкланаётган масъулиятни чуқур англамаган бўлади.

Ҳар бир ёш, айниқса, қизлар ҳаёт — бебаҳо бойлик, унда ҳар бир қадамни ўйлаб босиш керак, токи интилишим эртага ташвиш эмас, қувонч олиб келсин, деб яшаши керак. Шунда хатога йўл қўймайди ва пушаймон бўлмайди...

**Сирожиддин МАЛИКОВ —**
**Пахтакор туман марказий поликлиникаси мудири:**

— Оила қураётган ҳар бир йигит-қиз албатта тиббий кўрикдан ўтиши белгилаб қўйилган. Бундай тартиб, биринчи навбатда, бўлажак оила мустаҳкам, соғлом ва хотиржам бўлиши учун зарур. Чунки соғлом жуфтдан соғлом фарзандлар дунёга келади.

Ўтган йили поликлиникамизда тиббий кўрикдан ўтган 1027 нафар жуфтликнинг 76 нафарида турли касалликлар борлиги аниқланди. Улар диспансер назоратига олиниб, соғломлаштирилди. Бундан ҳеч ким зиён кўрган эмас. Айни вақтда, барчамизни ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи бир воқеа бўлдики, шунга диққатингизни қаратмоқчиман. Н. исмли йигит билан С. исмли қиз оила қуришга қарор қилган. Улар негадир тўйдан олдин рисоладагидай тиббий кўрикдан ўтишни, ўрталаридаги никоҳни қонуний тарзда расмийлаштиришни лозим кўрмаган. Куёвнинг ҳам, келиннинг ҳам ота-онаси бу масалага жиддий қарамаган. Ачинарли томони шундаки, шошма-шошарлик билан қурилган оиланинг «умри» бир ҳафтадан ошмади. Куёвнинг тутқаноқ касали бор экан. Буни билгач, келин кўч-кўронини олиб, ота уйига қайтиб кетди. Ёш оила барбод бўлди. Бунга ким сабаб? Йигит ва қизни ёш десак, уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари қаёққа қараган?

Яна бир муаммога эътибор қаратишимиз лозим. Ҳозир яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ масаласи кўп гапирилаяпти. Амалда эса, олис қишлоқларда бу ҳол давом этаяпти. Натижада бундай оилаларда болаларнинг ирсий касалликлар билан ёхуд ногирон бўлиб туғилиши кузатилмоқда.

Шунинг олдини олишга жамоатчиликнинг кучи етмайдими? Ахир, жиндай жон куйдириш, жиндай ҳаракат қилиш керакк-ку!..

**Гулчехра ИКРОМОВА —**
***Жиззах шахридаги «Қассоблик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:***

— Маҳаллани катта оилага қиёслайман. Оилалар тинч-тотув, эр-хотин пиру бадавлат, болалар бахтли-содатли бўлиб яшашида маҳалланинг ўрни беқиёс. Бу нарса, айниқса, ёшлар тарбиясида яққол намоён бўлади. Бўлажак келин-куёвнинг кимлигини, оиласини аввало, маҳалладан, оқсоқоллардан суриштиришади. Совчилар ҳам келин бўлмишнинг, бўлажак куёвнинг қўшнилари хонадонига боради ва улар берган холис баҳо, маслаҳатга кўра иш тутади.

Энди бевосита ўзим яшаётган ва ишлаётган маҳалла ҳақида айтадиган бўлсам, ўтган йили биздаги мавжуд 633 та оила аҳил-тотувлиги билан ҳамманинг ҳавасини келтирди. Юз берган айрим келишмовчиликлар эса маҳалла фаоллари ва оқсоқоллар кўмагида ҳал этилди.

**Убайдулла МУҚУМОВ —**
***Жиззах транспорт, алоқа* касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:**

— Тадқиқотлар шуни кўрсатадики ажралиш, яъни оила бузилиши муайян сабабга эга бўлади. Жумладан, эр-хотиннинг феъл-атвори мос келмаслиги, фарзандсизлик, келиннинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан камситилиши, оиладаги моддий таъминот, маънавий бўшлиқ, ортиқча маросимлар, ичкилик, ўринсиз рашк қариндош-уруғ ўртасидаги кўнгилбузар ишлар ёш оилани барбод этиши мумкин. Бунинг олдини олиш мумкинми? Албатта, мумкин. Оила бут бўлиши учун аввало шахслараро тенглик — гендер муносабати қарор топиши керак.

**Томчилар йиғилиб дарё бўлганидай, оилалар жамулжам бўлиб жамиятни ташкил қилади. Ҳар қайси оила фаровон, ўзига тўқ, тинч, мустаҳкам ва соғлом бўлса, жамият ҳам равнақ топади. Жамиятдаги ўзгаришлар оилаларга таъсир ўтказганидай, оиладаги ўзгаришлар ҳам жамиятга ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан, бугун ёшлар қураётган янги оиланинг нечоғли мустаҳкам, соғлом ва бахтли бўлиши эртанги кунимиз нечоғли нурафшон бўлишини белгилайди. Шундай экан, ҳар бир ёш тарбиясига, ҳар бир ёш оила тақдирига барчамиз бирдек масъул эканлигимизни унутмайлик.**

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Глобал экологик муаммо

# НОРИН КАСКАДИ — ТАБИАТГА СУИҚАСД !

Шуниси ниҳоятда афсусланарлики, Норин-Сирдарё дарёси оқими шаклланадиган зонада гидроузеллар каскадини лойиҳалаштириш ва қуриш илмий асосланмаган. Маълумки, унинг ресурсларини ўзлаштириш режаси ўтган аср етмишинчи йилларида пайдо бўлган.

У вақтларда гидротехниклар ва қатор муҳандислар лойиҳани амалга оширишнинг кейинчалик бўладиган салбий оқибатларини башорат қилиш ва уларнинг олдини олиш ёки юмшатиш, ташқи муҳитга таъсир этишини баҳолаш амалиёти ҳақида ҳатто тушунчага ҳам эга бўлмаганлар.

Улар фақат қишда сувни тўплаш ва сув омборларини баҳор, ёз пайтларида далаларни суғориш учун бўшатишни билишган. Йилнинг қиш фаслида электр қуввати ишлаб чиқиш учун сув беришни қисқартириш мақсадида Қирғизистонга мунтазам равишда ёнилғи етказиб бериш кўзда тутилган. Каскаднинг бош ГЭСи — Тўхтағул ГЭСи тўла қувват билан мўътадил ирригация тартибида уч йил ҳам ишламади. Собиқ иттифоқ тарқалиши билан мазкур лойиҳа ҳаётдан мутлақо узоқ эканлиги маълум бўлди.

Ҳозирги пайтда таркибига 6 та — Тўхтағул, Курупсой, (қуввати бўйича Тўхтағул ГЭСидан кейин иккинчи ўринда туради), Тошкўмир, Шомолдисой, Учқўрғон ва яқинда ишга тушган Қамбарота 2-ГЭСлари кирадиган Норин каскади белгиланган фойдаланиш қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Қўшниларимиз ҳаттоки, сувнинг «дахлсиз» захираларидан фойдаланишга ҳам ўтишди.

Табиат қонунларини бузиш нимага олиб келди?

**Биринчидан,** Сирдарё геотизими тартибида чуқур ўзгаришлар юз берди. Бу водийларни, шу жумладан, қишлоқ хўжалик ерлари ва олдин ўзлаштирилмаган тўқай ўрмонзорлар ва бутазорлардан иборат оролчаларнинг чўлга айланишига сабаб бўлди. Жонли организмларда биз бундай ҳодисаларни ниҳоятда жиддий йўқотиш деб атаган бўлардик.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Иккинчидан,** деҳқончиликка ихтисослашган туманлар иқтисодиёти, сув танқислиги туфайли жуда катта зарар кўраётганлиги ва экин майдонларига дарё чўкиндиларининг етиб бормаётгани натижасида катта йўқотишлар юз бермоқда.

**Учинчидан,** бу энг асосийси, ёзда сув етишмаслиги ва қишда сув кўпайишидан юз минглаб кишилар азият чекмоқда.

**Кўз ўнгимизда халқаро ҳуқуқ меъёрларини очиқдан-очиқ инкор этиш ҳолати юз бермоқда. Устига-устак Қирғизистон томони Қамбарота 1-ГЭСи қурилишини бошлаб, қўшимчасига Норин каскади яратишни давом эттирмоқчи. Лойиҳани амалга ошириш учун инвестиция киритиш, ўйлашимизча, қийин бўлади. Гап шундаки, Эспо Конвенцияда бу масалаларда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида фикрлар билдирилади.**

Ушбу ҳужжат трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш борасида бирор-бир томон маълум бир қарор қабул қилишидан олдин экологик омилларни ҳисобга олишига қаратилган.

Мазкур Конвенция томонлар зиммасига бир қатор масъулият ва вазифа юклайди. Бу ҳужжат атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш, кейинчалик унинг натижаларини муҳокама қилиш ва икки томонлама маслаҳатлашувни кўзда тутади. Мураккаб лойиҳа бўйича қарор қабул қилишга тайёргарлик кўриш жараёнида манфаатдор томонлар эътирозлари тўлиқ ҳисобга олинмоғи лозим.

Бундан ташқари, барча йирик банклар экватор принциплари



деб аталмиш тамойилларга риоя қилади. Бу принциплар Халқаро молиявий корпорация томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, лойиҳа ташаббускори зиммасига атроф-муҳитга таъсирни баҳолашни ўтказиш ва манфаатдор томонларни хулосалардан бохабар қилиш вазифасини юклайди.

Қирғизистон томони Қамбарота ГЭСлари лойиҳалари экологик хавфсизлиги, улар ўз вақтида экспертизадан ўтганлигини таъкидлашади. Лекин бу гап ҳақиқатга мутлақо тўғри келмаслигини бир қатор нуфузли илмий текшириш муассасалари илгари суришмоқда. Масалан, Россиядаги «Гидропроект» институти мутахассислари ҳам буни алоҳида таъкидлашмоқда.

Норин каскадининг бундан буён кенгайтиришни тўхтатиш шунинг учун муҳимки, ҳар бир янги ГЭСнинг пайдо бўлиши бу сув омборларини тўлдириш, буғланиш ва фильтрация туфайли кўплаб миқдорда сувни йўқотиш деганидир. Бундан эса энг аввало Ўзбекистон зарар кўради. Шунингдек, ҳудудда юз бериши эҳтимоли кўп бўлган зилзилалар пайтида ҳалокатлар рўй бериши хавфи янада ошади.

Америка Сейсмология институти олимларининг маълумотларига қараганда, Рихтер шкаласи бўйича 4-5 балл магнитудаги ер ости силкинишлари Норин-Сирдарё каскади тўғонлари жойлашган ҳудудларда ҳар йили кузатилади. Шуни қайд этиш керакки, Қирғизистон ўзининг энергетик хавфсизлигини ҳам хавф остига қўймоқда. Чунки Тўхтағул сув омборининг қишки электр энергия ишлаб чиқариш қуввати кескин камаяди.

Норин-Сирдарё каскади атрофидаги низони қандай ҳал этиш мумкин? Суғорма деҳқончилик эҳтиёжлари учун Ўзбекистонга сув сотиб олиши ҳақида билдирилаётган таклифларни мутлақо қабул қилиб бўлмайди. Фанда аллақачон аниқланганки, ишлаб чиқариш ва истеъмол тизимларини модернизация қилиш орқали йўқотишларни қисқартириш янги қурилишдан анчагина самаралироқдир. Йирик ГЭСларнинг ўзини оқлаш муддати одатда камида ўн йил бўлади. Энергияни тежаш лойиҳалари эса 2-3 йилдан кейиноқ фойда бериши мумкин.

**Расмий маълумотларга қараганда, Қирғизистонда энергия йўқотиш даражаси 30 фоиздан ортиқдир. Уларни қисқартириш бўйича чоралар кўриш ГЭСга юкни камайтириши ва шунга мос равишда, ирригация оқимларини ҳеч бўлмаганда 15-20 фоиз ошириш имконини берар эди. Аслида қўшни давлатларга сув таъминотининг яхшиланиши кафолатлари бўлган тақдирда, Қирғизистонда энергияни тежаш дастурларини молиялаштиришда иштирок этиш масаласи кўриб чиқилган бўлар эди. Балки Тўхтағул гидроузели фойдаланиш лойиҳа режимини қисман тиклаши учун Қирғизистон тоғ дарёларида кичик ГЭСларни қуриш бўйича Халқаро консорциумни ташкил этиш масаласини муҳокама қилиши керакдир.**

Нима бўлганда ҳам яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб қолишда трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш тартибларига амал қилиш ва уни бузмаслик жуда муҳим аҳамиятга эга. Она табиат — ноўрин, нохолис, ноилмий аралашувларни кечирмайди. Бу ишларнинг охири эса ўнглаб бўлмас экологик муаммолар гирдобида қолиб кетишга олиб келади.

**Лапас АЛИБЕКОВ,**
**Самарқанд давлат университети физикавий-география ва геоэкология кафедраси мудири, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.**

# «ЎЗБЕКИСТОНДА ХИТОЙШУНОСЛИК: ТАРИХ, ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА КЕЛАЖАК»

**Бундан йигирма йил олдин Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақида Битим имзоланган эди. Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти ташаббуси билан ўзбек-хитой муносабатларининг 20 йиллигига бағишлаб илмий-амалий анжуман ўтказилди.**





Икки давлат ўртасидаги муносабатлар бир неча минг йиллик тарихга эга. Ватанимиз ҳудуди Буюк ипак йўлининг марказида жойлашганлиги қадимги даврларданоқ ўзаро ҳамкорлик уфқларининг кенгайиши, айниқса, савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланишига замин яратган.

**Милоддан аввалги 128 йилда Хитойнинг биринчи элчиси Чжан Цзян қадимги Фарғона (Довон) давлатига келгани ҳам фикримиз далилидир.**

Ўрта асрларда нафақат савдо ишлари, балки меъморчилик, илм-фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик янада тараққий топди. Айниқса, **Жамолиддин Бухорий, Муҳаммад Бухорий, Аҳмад Фанакатий каби ўз даврининг етук алломалари Хитойда математика ва астрономия фанларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди.** Бундан ташқари, XIII—XIV асрларда Ватанимиздан етишиб чиққан бир қанча табиблар маълум муддат Чин ўлкасида фаолият кўрсатган ва улар ёрдамида **Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари хитой тилига таржима қилинган. Бу эса кейинчалик хитой медицинаси дурдонаси ҳисобланган «Хуэйхуэй яофан» («Мусулмон дориворлари») ҳамда «Бэньцао ганму» («Доривор гиёҳлар қонуни») асарларининг яратилишига асос бўлган.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳамда таълим соҳаларидаги алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бу ҳақда сўз кетганда турли йилларда Ўзбекистон ва Хитой фанлар академияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзолангани, **Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари хитой тилига таржима қилингани, Тошкентда хитой маданий марказининг ташкил этилиши, Чанчунь шаҳрида Камолиддин Беҳзод ҳайкалининг ўрнатилиши, икки давлат ўртасида талабалар алмашинуви йўлга қўйилгани ва яна бошқа кўплаб мисолларни келтириш мумкин.**

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда юртимизда хитой тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Бугун мазкур тилни чет давлатларда ўқитиш ва тадқиқ этиш тезлик билан ривожланмоқда. Маълумотларга қараганда, жаҳондаги 3500 та институт ҳамда университетларда хитой тили ўргатилади. Дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам Конфуций марказлари ташкил этилган. Ватанимизда хитой тилини ўқитиш мустаҳкам илмий ва педагогик воситалар асосида олиб борилади.

Пойтахтимиздаги 59-мактаб ва иккита академик лицейда ўқувчилар хитой тили ихтисослиги бўйича таълим олишмоқда. Шунингдек Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Самарқанд чет тиллар институти ҳамда Фарғона давлат университетларида ёшларимиз хитой тили, адабиёти, тарихи ҳамда иқтисодиётидан чуқур билим олишмоқда.

Айниқса, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва унинг қошидаги хитой филологияси кафедраси жаҳон тилларидан бири бўлган хитой тили ва адабиёти йўналишида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш борасида ижобий натижаларни қўлга киритмоқда. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан мамлакатимиз ва Хитойда нашр этилган қатор китоблар, монография ва мақолалар чет эл олий таълим муассасаларида ҳам эътироф этилмоқда. **Бундан ташқари, бу ерда хитойшунослик фанидан таълим бериш методикаси бўйича ишлаб чиқилган электрон ўқув қўлланмаларнинг бир қисми 2011 йилда ўтказилган «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» ярмаркасида намойиш этилиб, муносиб баҳо олди.**

Ҳозирги кунда хитой филологияси кафедраси билан бирга, институтда янги хитойшунослик йўналиши ҳам фаолият юритмоқда. Унда замонавий Хитой иқтисодиёти, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати, тарихи, маданияти фанлари ўқитилиб, кенг қамровли хитойшунос кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. **Сўнгги йилларда юртимиз олий таълим даргоҳларида хитой тили, адабиёти, иқтисоди ва сиёсати тадқиқига бағишланган 15 та диссертация ҳимоя қилинди. Ўтган йили эса Тошкент давлат шарқшунослик институтида Хитой Халқ Республикаси фуқароси Ли Ямей филология соҳасида номзодлик диссертациясини ёқлади.**

— 1999 йилда кафедрамизда магистратура йўналиши очилди, — дейди **хитой филологияси кафедраси мудири, филология фанлари номзоди Саодат Носирова**. — Бугунги кунга қадар 40 дан ортиқ ёшлар магистрлик даражасини олишга муваффақ бўлдилар. 2004 йилдан бошлаб ҳар йили «Хитойшуносликнинг долзарб масалалари (фалсафа, тарих, маданият, иқтисод ва сиёсат)»га бағишланган анъанавий илмий-амалий анжуман ўтказиб келинмоқда. Конференция материаллари тўплам ҳолатида чоп этиб борилади.

**«Ўзбекистонда хитойшунослик: тарих, ҳозирги замон ва келажак»** деб номланган китоб ҳам айнан мана шу илмий-амалий конференция материаллари асосида яратилган. Ўзбек-хитой муносабатларининг 20 йиллигига бағишланган бу китоб уч қисмдан иборат. Уларда нафақат юртимиз, балки хитойлик педагог-олимлар, профессор-ўқитувчилар ва тилшунос-мутахассисларнинг хитой тили филологияси, ўқитиш методикаси, тарих, фалсафа, адабиёт ва маданияти, икки давлат ўртасидаги сиёсий-иқтисодий муносабатлар ҳақидаги илмий мақолалари ўрин олган.

Хусусан, С.Носированинг «Хитой тили: глобализация, муаммо ва истиқболлар», У.Идировнинг «Ҳозирги замон ва Хитой сиёсий фалсафаси», А.Ходжаевнинг «Day yuan» топониминининг келиб чиқиши ва маъноси ҳақида», С.Ҳошимова ва Н.Солиеванинг «Хитой мифологиясида машҳур аёллар образлари», Ш.Камалбоева ва Н.Абдуллаеванинг «Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари ривожи — ўзаро ишонч маҳсули» каби кўплаб долзарб материаллар ўқувчилар эътиборини ўзига жалб этади.

Бир сўз билан айтганда китоб Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги қадимий илдизларга эга ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, юртимизда хитойшунослик фанининг юксалишида яна бир муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хориж

## ТАКСИДАГИ СЎЗЛАШУВЛАР

*ёзиб бориладиди*




***Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳри кўчаларида ҳаракатланаётган 600 та таксига видеокамера ва сўзлашувларни ёзиб борувчи ускуна ўрнатилади. Йўловчилардан тушадиган ариза ва шикоятларни текшириш пайтида вазиятга аниқлик киритиш мақсадида шундай қилинмоқда. Бундан ташқари, йўловчилар хавфсизлиги таъминланишини кучайтириш ҳам назарда тутилган, дейилади «Associated Press» АА хабарида.***

Мазкур ускуналар машина двигатели ўт олиши билан ишга тушади ва двигатель ўчгач, 30 дақиқадан сўнг ўзи автоматик равишда ўчади. Ундаги ёзувлар 28 кун давомида сақланади ва фақат полиция ҳамда тергов-суриштирув фаолияти билан шуғулланувчи ходимларгина ундаги ёзувларни олишга ҳақли.

Британиянинг «Big Brother Watch» ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти вакили Ник Пиклз амалиётда қўлланиш учун жорий этилаётган бу чорани фуқаролар эркига дахл қилиш ва уларнинг шахсий ҳаётига аралашишдан ўзга нарса эмас, деб баҳолади. Шахсий ахборотлар ҳимояси масалалари билан шуғулланувчи Британия ахборот комиссариати («Information Commissioner`s Office») эса таксиларда сўзлашувларни ёзиб олиш амалиёти кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишига шубҳа билдирди. Аммо Оксфорд шаҳар кенгаши бу чорани маъқуллаб, у фақат йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун амалга оширилаётганини таъкидлади.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИСЛОҲОТЛАР

*ўтказилади*



***Эстония парламенти олий таълимни ислоҳ қилиш бўйича янги қонун лойиҳасини қабул қилди. Аммо бу лойиҳа кўпгина талабаларнинг норозилигига сабаб бўлди. Негаки, мазкур ҳуқуқий ҳужжат бюджет ўринларида ўқиётганлар учун талабни янада қатъийлаштиради. Яъни бир ўқув семестрида 30 баллдан кам кўрсаткичга эга бўлган талабалар олий таълим муассасаси томонидан контракт асосида ўқийдиган йўналишга ўтказилиши мумкин.***

«DELFI» АА хабарига қараганда, талабаларга бериладиган имконият шуки, кимки бир семестрда 30 баллдан юқори кўрсаткичга эришса, 30 дан юқори балл кейинги семестр учун захирага олиб қолиниши мумкин.

Депутатларнинг айтишларича, ушбу қонун асосида ўтказилиши мўлжалланаётган ислоҳотлардан мақсад олий таълимни янги босқичга олиб чиқишдан иборатдир.

Янги қонун лойиҳаси 2013 йилдан кучга киради.

## ШАКАРГА ҲАМ

*акциз солиғи жорий этиш зарур*



***Сан-Францискодаги Калифорния университети олимлари бўлмиш Роберт Ластиг, Лора Шмидт ва Клэр Бриндснинг «Nature» журналида чоп этилган маърузасида қайд қилинишича, эндиликда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сингари шакар истеъмолини ҳам давлат томонидан назорат қилиш ва мувофиқлаштириш давр тақозосига айланиб бормоқда.***

Уларнинг эслатишича, 2011 йил сентябрда БМТ эълон қилган эдики, юрак, саратон ва қанд касаллиги сингари сурункали хасталиклар хуружи оқибатида йилига 35 миллион киши ҳаётдан кўз юммоқда. Бунга сабаб тамаки, алкоголь ва шакар маҳсулотларини ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилишдир.

Олимлар алоҳида таъкидлашдики, кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари фақат тамаки ва алкоголь маҳсулотлари айланма савдосини назорат қиладилар холос, жамоатчилик соғлиғига ёмон таъсир қиладиган яна бир омил эса эътибордан четда қолиб келмоқда.

Маълумотларга қараганда, кейинги 50 йилда дунё бўйича шакар истеъмол қилиш даражаси икки баравар ортган. Бундай вазият эса семириш эпидемиясини келтириб чиқармаслигига ҳеч кимни ишонтириб бўлмайди. Айни пайтда дунёда семизликка гирифтор бўлганлар сони аввалги йиллардагига қараганда 30 фоизга кўпайган.

Муаллифларнинг фикрича, шакар саломатликка худди алкоголь сингари таъсир этади: истеъмол қилган кишини ўзига «ром» этади-қолади, шакар моддаси қўшилмаган озиқ-овқат истеъмолисиз кунни ўтказолмай қолади (чунки миянинг «лаззатланиш маркази»га таъсири сақланиб қолган), шу билан бирга, у токсик хусусиятга ҳам эга: семиришни келтириб чиқармаган бўлса-да, бошқа турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис ҳам маъруза муаллифлари шакарнинг айланма савдоси давлат томонидан мувофиқлаштирилиши шарт ва унга ҳам акциз солиғи жорий этилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар.

Олимларнинг бу фикрини Нью-Йорк университетининг саломатлик ва парҳезшунослик соҳаси бўйича экспертлари ҳам қўллаб-қувватламоқдалар. Аммо Америка шакар ишлаб чиқарувчилари ассоциацияси вакиллари бу фикрга бутунлай қарши чиқмоқдалар. Шакар «магнат»лари америкаликларнинг нима еб, нима ичишлари ўзларига ҳавола эканлигига ишора қилиб, уларни бу лаззатдан тақиқлов орқали маҳрум қилиш мумкин эмаслигини уқтирмоқдалар.

Болалар спорти

# БАДИИЙ ГИМНАСТИКА — САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК ОМИЛИ

— Ҳозир қишлоғимиздаги 10-мактабда жисмоний тарбиядан дарс бераман, — дейди Н.Ҳалимбоева. — Болалигимда болалар шифокори бўлишни орзу қилгандим. Бугун, ҳеч иккиланмай, ана шу орзуимга эришдим, дея оламан. Чунки спорт ҳам касалликларнинг олдини олади, танани чиниқтиради, характерни тоблайди. Бу эса саломатлик гаровидир.

— Бизнинг давримизда жисмоний тарбия бўйича аёл ўқитувчилар деярли бўлмас эди, — дейди тошкентлик Малика Авазова. — Мактабларда ўғил болалар учун ҳам, қизлар учун ҳам бир хил машғулот ўтиларди. Шу сабабли ота-оналаримиз бизни спорт тўгаракларига бериш у ёқда турсин, жисмоний тарбия дарсларига ҳам юбормасликка ҳаракат қиларди. Ҳозир эса ўзимнинг қизларим бадиий гимнастика тўгарагига қатнашади. Бундан жуда хурсандман. Чунки спорт мажмуасида улар учун алоҳида соатлар ажратилган ва аёл мураббиялар тайинланган. Машғулотларга қатнай бошлагандан буён қизларимнинг қадди-қомати янада чиройли тортиб, саломатлиги яхшиланди. Ота-оналар учун энг муҳими шу.

Ҳа, бугун ота-оналар қизларининг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, балки қадди-комати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини мамнуният билан таъкидламоқдалар. Бу юртдошларимизнинг онгу шуурида спортга, айниқса, қизлар спортига нисбатан қарашларнинг тубдан ўзгаргани самарасидир. Қолаверса, бунинг учун зарур шарт-шароит, кенг имконият бор.

Илгари бадиий гимнастика билан фақат спортчи бўлишни мақсад қилган ёки буни касб сифатида танлаганлар шуғулланарди. Бундай тўгараклар эса ниҳоятда кам эди. Жисмоний тарбия дарсларида бадиий гимнастика спорт тури сифатида ўтилмасди. Ушбу нафис спорт билан шуғулланувчилар сони Ўзбекистондаги барча қизларнинг бир фоизини ҳам ташкил қилмасди.



Бугунги кунда барча вилоятларимизда гимнастика бўйича ҳудудий федерациялар ҳамда марказлар самарали фаолият юритаётир. Бадиий гимнастикачиларимиз, кескин рақобатга қарамай, кўплаб халқаро мусобақалар, жаҳон кубоги босқичларида совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. 2010 йили Хитойда ўтказилган ўн олтинчи Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси қанчадан-қанча йирик давлатлар вакиллари орасида иккинчи ўринни эгаллагани Ватанимиз спорт ҳаётида тарихий воқеа бўлди. 2011 йилда Францияда бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионатида мамлакатимиз бадиий гимнастика мактаби вакиласи, Осиё ўйинлари совриндори Ульяна Трофимова муносиб иштирок этиб, жорий йилда Лондонда бўлиб ўтадиган олимпиадага йўлланмани қўлга киритди.

Бадиий гимнастикани бутун мамлакатимиз миқёсида кенг оммалаштириш мақсадида халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган спортчи қизлар иштирокида маҳорат сабоқлари ташкил этилмоқда. Мактабларда жисмоний тарбия фанидан ўқувчиларни баҳолаш мезонларига гимнастика элементлари бўйича саволлар киритилди.

Нафақат вилоят ёки туман марказлари, балки чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуаларининг бунёд этилгани ва зарур анжомлар билан таъминлангани самарасида қизларнинг бадиий гимнастика билан шуғулланиш имкониятлари тобора кенгаймоқда. 2011 йилда мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қиз болалар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошгани бунинг тасдиғидир.

**Албатта, бу қизларнинг ҳаммаси ҳам профессионал спортчи бўлмаслиги мумкин. Аммо жисмоний машқларда тобланган болалар жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиб камолга етади, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, иродасини мустаҳкамлайди.**



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Шу боис мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш деганда, аввало, унинг оммавийлигига, спорт билан шуғулланишнинг мунтазамлигига, географиясининг кенглигига эътибор қаратилмоқда. Спорт объектлари йилдан-йилга кўпаяётгани, спорт билан шуғулланувчи болалар сони ортиб, улар ўртасида касалланиш даражасининг пасайиб бораётгани бу борадаги ишлар ҳаётда ўзининг юксак самараларини бераётганидан далолатдир.

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, болаларда спортга иштиёқ уйғотишда оиланинг ўрни беқиёс. Чунки инсоннинг илк қизиқишлари, турмуш тарзи ва кўникмалари, аввало, оила бағрида шаклланади. Оиласида болаликдан спорт билан шуғулланишга ўрганган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади.

Сир эмас, бугунги кунда кўплаб ривожланган мамлакатларда ортиқча вазнли кишилар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг аксарияти семизлик оқибатида келиб чиқадиган қандли диабет, стенокардия, қон босимининг ошиши ва нафас олишнинг қийинлашиши каби хасталиклардан азият чекади.

Ушбу ҳолат бўйича дунёда учинчи ўринда турувчи австралияликларнинг ҳар бири танани оздирувчи турли дори воситаларига бир йилда ўртача 250 минг доллар сарфлар экан. Аммо бу ҳеч қандай натижа бермагач, мамлакат ҳукумати қарийб шунча маблағни спорт иншоотлари қуришга йўналтиришни маъқул кўрибди...

Ўзбекистонда бу борада мўлжал аввалбошдан тўғри олинди, пойдевор мустаҳкам қўйилди. Бу эзгу ҳаракатлар аллақачон ўз самараларини бера бошлади.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг масъулиятини кучайтириш, спорт билан шуғулланишни янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, оилавий спортни оммалаштириш, хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий органлари, маҳаллалар ва ёшлар ташкилотлари ҳамкорлигида оилавий спорт ўйинларини мунтазам ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги белгиланди.

Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган ҳикмат бор. Асрлар оша шаклланиб, аждодларимизнинг ақл тарозисидан, ҳаётий тажрибасидан ўтган бу миллий тутумлар бугун ҳам долзарб. Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар замирида ана шу вазифа — фарзандларимизни оилада баркамол улғайтиришдек эзгу мақсад мужассам.

Шу маънода, фарзандини соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг нафақат ўз оиласи, балки Ватани олдидаги бурчидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Кураш

**Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида 2012 йил 23-27 октябрь кунлари кураш бўйича ёшлар ва кадетлар ўртасида VII жаҳон чемпионати бўлиб ўтади**

## ЁШ ПОЛВОНЛАР БОРНМУТДА БЕЛЛАШАДИ

Пойтахтимизда мазкур нуфузли мусобақани ўтказиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган матбуот анжуманида Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) вакиллари, спорт жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— 2012 йилги спорт мавсуми кураш бўйича нуфузли спорт анжуманлари, тадбирлар ва мусобақаларга бой, — дейди Кураш халқаро ассоциацияси бош котиби Умид Ёқубов. — Ёшлар ва кадетлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати ассоциациямиз мусобақалари тақвимидан жой олган энг йирик беллашувлардандир. Бу йил дунё спорт жамоатчилиги нигоҳи Буюк Британия мезбонлик қиладиган спорт оламининг энг йирик мусобақаси — XXX ёзги Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига қаратилади. Кураш бўйича жаҳон чемпионати беллашувлари ўтказиладиган Борнмут шаҳри эса ёзги Олимпиаданинг парус спорти баҳсларини қабул қилади.

Мазкур нуфузли мусобақага мезбонлик қилиш ҳуқуқининг Буюк Британияга берилиши бежиз эмас. Ушбу мамлакат кураш ассоциацияси курашни Европада тарғиб этиш ва жадал ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, мазкур ташкилот 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентига чуқур ҳурмат ва эҳтиром сифатида «Ислом Каримов» халқаро турнирини ташкил этди ва ушбу мусобақа мунтазам равишда юқори савияда ўтказиб келинмоқда.

Кураш бўйича ёшлар ва кадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этиш истагини билдираётган давлатлар ва полвонлар сони тобора кўпаймоқда. Кураш халқаро ассоциациясидан маълум қилишларича, бу йилги мусобақада Европа, Осиё, Океания, Панамерика ва Африка минтақаларидаги элликдан зиёд мамлакатнинг иқтидорли ёш полвонлари қатнашиши кутилмоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

ОБ-ҲАВО 25-26 – 02. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | 0 / -5 | 0 / -5 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | 0 / -5 | 0 / -8 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | -3 / -5 | +2/+7 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | -3 / +2 | +5 / +10 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | -3 / -5 | 0 / +5 |
| Тошкент шаҳри | -3 / -5 | +5 / +7 |

Дунё бўйлаб (°C)

| | |
|---|---|
| Лондон | +4 / +8 |
| Париж | +9 / +6 |
| Москва | 0 / -3 |
| Мадрид | +3 / +5 |
| Пекин | -5 / -3 |
| Гонгконг | +15/ +14 |
| Рим | +5 / +5 |
| Анқара | -3 / +1 |
| Токио | +6 / +3 |
| Стокгольм | -3 / -4 |
| Кейптаун | +18 / +21 |
| Қоҳира | +13 / +11 |
| Гавана | +24 / +24 |
| Вашингтон | +5 / +6 |

ЧП «Nuptial Servis», зарегистрированное в Мирзо-Улугбекском хокимияте за № 005419-04 от 08.02.10 г. ИНН 301486580. ОКОНХ 90310 объявляет об уменьшении уставного фонда с 37 454 735 сумов до 30 162 886 сумов.

Футбол




## ЕВРОПА ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

Нимчорак финал. Дастлабки учрашувлар.

***ЦСКА (Россия) — «Реал» (Испания) — 1:1***
***«Наполи» (Италия) — «Челси» (Англия) — 3:1***
***«Базель» (Швейцария) — «Бавария» (Германия) — 1:0***
***«Марсел» (Франция) — «Интер» (Италия) — 1:0***

*Жавоб учрашувлари 6-7 ва 13-14 март кунлари бўлади.*

## ЕВРОПА ЛИГАСИ

1/16 финал. Жавоб учрашувлари.

**«Ман.Юнайтед»** (Англия) — «Аякс» (Голландия) — 1:2 (2:0)
**«Атлетик»** (Испания) — «Локомотив» (Россия) — 1:0 (1:2)
**«Спортинг»** (Португалия) — «Легия» (Польша) — 1:0 (2:2)
**«Ман.Сити»** (Англия) — «Порту» (Португалия) — 4:0 (2:1)
**«Металлист»** (Украина) — «Зальцбург» (Австрия) — 4:1 (4:0)
**«Олимпиакос»** (Греция) — «Рубин» (Россия) — 1:0, (1:0)
**«Атлетико»** (Испания) — «Лацио» (Италия) — 1:0 (3:1)
**«Бешикташ»** (Туркия) — «Брага» (Португалия) — 0:1 (2:0)
**«Валенсия»** (Испания) — «Сток Сити» (Англия) — 1:0 (1:0)
**ПСВ** (Голландия) — «Трабзонспор» (Туркия) — 4:1 (2:1)
«Андерлехт» (Бельгия) — **«АЗ»** (Голландия) — 0:1 (0:1)
ПАОК(Греция) — **«Удинезе»** (Италия) — 0:3 (0:0)
**«Твенте»** (Голландия) — «Стяуа» (Руминия) — 1:0 (1:0)
**«Шальке-04»** (Германия) — «Виктория» (Чехия) — 3:1 (1:1)
**«Стандарт»** (Бельгия) — «Висла» (Польша) — 0:0 (1:1)
«Брюгге» (Бельгия) — **«Ганновер»** (Германия) — 0:1 (1:2)

**Эслатмалар: Қавс ичида дастлабки учрашувларнинг натижалари берилган. Нимчорак финалда биринчи жуфтлик ғолиби иккинчи жуфтлик ғолиби билан (ва ҳоказо) ўйнайди. Нимчорак финалнинг дастлабки учрашувлари 8 март куни ўтказилади.**

Таълим

## ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юксак маънавиятли, малакали мутахассисларни етказиб беришда муҳим омил бўлмоқда.**

Навоий давлат педагогика институти — замонавий олий таълим муассасаларидан бири. Ёшларнинг пухта билим олиши учун барча шарт-шароитга эга мазкур институтнинг саккиз факультетида 5,7 мингга яқин йигит-қиз таҳсил олмоқда. Уларга малакали профессор-ўқитувчилар энг илғор педагогик технологиялар асосида таълим бераётир.

Институтда талабаларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, уларни юксак фазилатлар руҳида камол топтиришга йўналтирилган маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилади. Кафедралар қошидаги илмий ва ижодий тўгараклар талаба-ёшларга ўз истеъдодини, салоҳиятини намоён этиш ҳамда ривожлантириш имконини бермоқда.



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

***Суратларда**: педагогика фанлари номзоди Тойир Отажонов дарсда.*

## ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШМОҚДА



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ(ЎзА) олган сурат.

**Мамлакатимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини, тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга устувор аҳамият қаратилаётгани аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.**

315 ўринга мўлжалланган Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган зарур шарт-шароитлар яратилган шифохоналардан. Бу ерда травматология-ортопедия, хирургия, пулманология, кордиоревматология, гемотология, неврология каби бўлимларда 200 нафарга яқин юқори малакали тиббиёт ходими хизмат қилади. Марказда ташхис қўйиш ва даволаш ишлари сифатли олиб борилаётганидан аҳоли мамнун.

***Суратларда: (ўртада) Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Абдусамад Норқобилов ҳамкасблари Назира Бойназарова ва Тўрахон Миссиров билан.***

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 246
19943 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.35
Topshirilgan vaqti — 00.45
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5